Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 6 декабрь якшанба

Сотувда эркин нархда

№ 241 (2022)



## ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон мустақиллигининг 7 йиллик байрами арафасида Президент Ислом Каримов Фармонига кўра, давлат ва халқ олдидаги хизматлари, ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки, миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга қўшган ҳиссаси, илм-фан, маданият ва таълимни ривожлантириш йўлидаги ютуқлари учун юртдошларимиздан катта бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирланган эди. Бу мукофотларни яна бир қутлуғ байрам — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида топшириш ҳам яхши анъанага айланди.***

5 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Тантанали маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Давлатимиз, жамиятимиз ҳаётида қувончли кунда фидокорона меҳнат билан эришган ютуқлар туфайли юртимиз салоҳиятини, обрўсини, илму фан ва санъат шуҳратини бутун оламга тараннум этган сиз каби инсонларни табриклаш ва сизларга Ватан мукофотларини топшириш мен учун катта шараф, — деди Президент.

Давлат раҳбарларининг асосий бурчи — одамларнинг ташвишлари, дарду ҳасратларидан хабардор бўлиш, уларнинг кўнглини кўтарадиган, ишончини мустаҳкамлайдиган ечимларни топиш, ҳар бир инсонга эътибор бериб, унинг тақдирига шерик бўлиб, руҳини кўтариб, оғирини енгил қилиш эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Йўлбошчимиз мана шу вазифалар билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этиш учун астойдил бел боғлаган минг-минглаб ишчилар, деҳқонлар, санъаткору шифокорлар, муаллиму муҳандислар сафидан Ватанимизнинг юксак мукофот ва унвонларига муносиб бўлганларни танлаш, уларнинг меҳнатини тақдирлаш ҳам давлат идораларининг вазифаси эканлигини таъкидлади.

Ўз ишига, касб-ҳунарига меҳр ва садоқат қўйиб, кунни кун, тунни тун демасдан, ҳалол меҳнати билан юртимизни обод қилишга ҳисса қўшиб, ўз бурчини виждонан адо этаётган ҳар бир инсон хизматини қадрлаш давлатимиз ва жамиятимизнинг шарафли вазифасидир.

Муҳим бир ҳақиқатни доимо ёдда тутишимиз даркор, деди Ислом Каримов. Одамга эътибор, бажараётган ишига, касбига ҳурмат билдириш ҳар қандай моддий ёрдамдан ҳам устун. Унинг руҳи кўтарилса, меҳнати ва маҳоратини жамоа тан олиб, юксак қадрлаб, иззат-эҳтиром билдирса, бу инсон ҳар қандай фидойиликка тайёр туради.

Ишонаманки, бугунги тантана, яъни энг муносиб ватандошларимизнинг мукофотлар билан тақдирланиши, сиз билан бир сафда меҳнат қилаётган жамоа ва оила аъзоларингизнинг, ёру биродарларингизнинг, сиздек бўлишни ҳавас қилган минглаб шогирдларингизнинг ҳам ҳақиқий байрамидир.

Давлатимиз раҳбари эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган бу инсонларни халқимиз ва шахсан ўз номидан самимий муборакбод этди. Президент Ислом Каримов Жиззах тумани Ҳамроқул Носиров номли хўжалик пахтачилик бригадаси бошлиғи Парда Зиятов, Андижон вилояти ҳокими Қобилжон Обидов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати "Қолмақир" кони экскаватор машинисти Жонсаид Турдиев ва "Сирдарёжамқурилиш"га қарашли 49-кўчма механизациялашган колонна бригада бошлиғи Анвар Қурбоновга Ватанимизнинг Олий мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони гувоҳномасини ва "Олтин юлдуз" медалларини топширди.

Қишлоқ хўжалиги, саноат, фан, маданият, маориф, санъат ва спорт соҳалари намояндалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларидан бир гуруҳи Йўлбошчимиз қўлидан юксак мукофотларни олдилар.

Маълумки, Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида Ўзбекистон давлатчилигини барпо этиш ва жаҳон ҳамжамиятида миллатимиз обрўсини юксалтириш, фуқаролар тинчлиги ва умуммиллий тотувликни мустаҳкамлаш, маданий қадриятларни асраб қолиш ва ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари учун Президент Ислом Каримовни "Амир Темур" ордени ва "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирлаш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Республика Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов йиғилганларнинг олқишлари остида ана шу мукофотларни давлатимиз раҳбарига топширди.

Президент Ислом Каримов билдирилган юксак ишонч учун чин қалбдан миннатдорлик билдириб, бутун борлигини халқимизга, Ватан равнақига, озод ва обод юрт келажагига бахшида қилажаклигини изҳор этди. Сизлар билан бирга мана шу кунларга етганимдан, озодлик ва мустақилликка эришганимиздан, Ўзбекистон довруғи бутун дунёга таралганидан ўзимни бахтиёр ҳис қиламан. Шу юрт учун ҳарқанча хизмат қилсак, ўзимизни бахшида этсак арзийди, деди Йўлбошчимиз.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Абулқосим Тўйчиев, Абдулла Орипов, Зиёд Есенбоев, Абдулҳақ Абдуллаев, Берта Давидова, Лина Черязова, Одил Ёқубов, Шуҳрат Аббосов, Гулнора Маҳкамова, Артур Григорян, Муножат Йўлчиева, Восил Қобулов ва бошқалар ўз меҳнатлари бундай юқори баҳолангани учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, давлатимизнинг келажаги учун бор куч-ғайратларини аямасликларини изҳор этдилар.

Президент Ислом Каримов йиғилганларни яна бир бор табриклаб, Ватан мукофотлари уларнинг ўзига, оилаларига, дўст-биродарларига бахт-саодат келтиришини тилади.

Маросимда Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

**(ЎзА).**



## 1999 ЙИЛ — АЁЛЛАР ЙИЛИ БЎЛАДИ



***Юртимиз байрам либосида. Ҳар бир қалбда кўтаринкилик, хуш кайфият ҳукмрон. Халқимиз Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг олти йиллигини кенг нишонламоқда.***

***5 декабрь куни Тошкентда шу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Муҳташам "Туркистон" саройига Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари, пойтахтимиз меҳмонлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг вакиллари йиғилдилар.***

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева Ўзбекистон Конституциясининг аҳамияти тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тантанали йиғилишда нутқ сўзлади.

Йўлбошчимиз ўз сўзида Асосий Қонунимиз назарий-ҳуқуқий ҳужжат — бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас, балки ҳаётимизни фаровон этиш, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни таъминлаш, жамиятда адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаи эканлигини таъкидлади.

— Бу олижаноб мақсадларга эришиш учун барчамиз, аввало, Конституциямиз ва қонунларимизнинг туб моҳиятини англаб етишимиз ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш йўлида биргаликда қатъият билан курашмоғимиз лозим. Қонун каттаю кичик, жинси, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъий назар, барчамиз учун устувор бўлмоғи керак, — деди Ислом Каримов.

Маълумки, мамлакатимизда 1997 йил — Инсон манфаатлари йили, 1998 йил эса Оила йили деб эълон қилинган эди. Президентимиз 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифини айтганида, залда ўтирганлар уни гулдирос қарсаклар билан кутиб олди.

Келгуси йилни Аёллар йили деб эълон қилишимизнинг ўзига хос сабаблари бор, деди Йўлбошчимиз. Аввало бу Инсон манфаатлари ва Оила йили деб эълон қилиниб, кўпдан-кўп савобли ишлар амалга оширилган жараённинг мантиқий давоми бўлади. Чунки Инсон, Оила, Аёл тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиш қийин. Оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш — давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи керак. Албатта, шу масала бўйича кенг кўламда дастур қабул қилиниши лозим.

Йиғилишда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

Тантанали йиғилиш Ўзбекистон санъат усталари ва бадиий ҳаваскорларининг катта концерти билан тугади.

**(ЎзА)**

**СУРАТЛАРДА: тантанали йиғилиш пайти.**
**А. ТЎРАЕВ ва М. АМИН олган суратлар.**

# ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИНГ ҲАЁТБАХШ МАНБАИ

## Президент Ислом Каримовнинг Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар, қадрли дўстлар!

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизни, сиз орқали бутун халқимизни катта байрам — Конституция куни билан самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Конституциямиз, яъни ҳаётимизнинг Асосий Қонуни ҳақида, унинг ўрни ва аҳамияти, маъно-моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Хусусан:

— унинг давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар қандай инсон саъй-ҳаракатларини, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб ва чегаралаб берувчи Қомус сифатидаги жиҳатлари ҳақида;

— Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонун ва фармонларнинг ҳукмронлигини, Конституциямиз олдида барчамизнинг тенглигимиз ва масъулиятимизни таъминлаш масалалари, бир сўз билан айтганда, Конституциямизнинг ўзига хос ва ўзига мос бошқа хусусиятлари ва аҳамиятлари ҳақида алоҳида таъриф ва тарғибот қилиш зарур, албатта. Лекин, Конституция кунини нишонлашда ва умуман Конституциямиз ҳақида гапирганда, унинг ўзида мужассамлаштирган хосиятлари ва хусусиятлари тўғрисида эмас, **балки Конституция талабларининг амалдаги ҳаётимизда бажарилиши ҳақида кўпроқ гапирсак ўринли бўлади, деб ўйлайман.**

Масалани кенгроқ қўяйлик.

Келажаги буюк давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни тараққий топган давлат ва халқларнинг ҳаёти даражасига кўтарилиш каби эзгу ниятларимиз аниқ ва равшан бўлса, кўпчилик халқимиз ва жамоатчилигимиз шу мақсадларга эришиш учун астойдил бел боғлаган бўлса, табиий бир савол туғилади:

Нима учун, нега шу мақсад — келажагимизга етиб бориш йўлини кўрсатиб берадиган, кўпгина махсус ва атрофлича синовлардан ўтган Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинаётган қонунларимизни ҳаётга тадбиқ этиш ўта қийинчилик билан бормоқда? Бунга нима сабаб?

Ўйлайманки, бундай изтиробли саволлар мамлакатимизда яшаётган ҳар қайси виждонли одамни қийнаб тургандир.

Бундай ҳолатнинг сабаблари ҳақида гапирганда, керак бўлса, ҳисобот берганда, мен қуйидаги масалаларга эътиборингизни жалб қилишни истардим.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, бундай вазият, фикримча, бизнинг яқин ўтмишимиз билан, шу даврда шаклланган табиатимиз билан боғлиқ.

Кечаги ҳаётимизда қонунга муносабат қандай эди? Қонунни ўрганиш, қонун устунлиги, қонунга ҳамманинг бирдек итоат қилиши ва ҳуқуқий тарбия ҳақида умуман гап бормиди ўзи?

Оддий фуқаролар Конституция ва қонунларга итоат қилса-ю, коммунистлар ўз уставига амал қилса, бундай тузумда қонун устуворлиги ва адолат ҳукмронлиги бўлиши мумкинмиди?

Сир эмаски, аксарият кўпчилигимиз мана шу ижтимоий вазиятда, яъни қонун ва қонун талабларини камситиш муҳитида тарбия топганмиз, суягимиз ана шу шароитда қотган. Шунинг учун ҳам аксарият кишиларимизнинг қонуннинг ягона устувор куч эканини тан олиши ҳам, қонун олдида барчанинг тенг ва баробар эканига кўникиши ҳам ниҳоятда қийин кечмоқда. Биз эски тузум асорати деганда айни шу ҳолатни назарда тутамиз.

Бу муаммонинг яна бир қирраси борки, у ҳақда гапирмасдан бўлмайди.

Минг афсуски, Конституциямизда ўз ечими ва қарорини топган энг муҳим талаб — **инсон ҳуқуқининг давлат ҳуқуқидан устуворлиги тамойили амалдаги қонунчилигимизда, давлат ва ҳуқуқий-маъмурий идоралар фаолиятида ўз тасдиғи ва ижросини тўлиқ тополмаяпти.**

Лўнда қилиб айтганда, **амалиётда биз кўпроқ эски кайфиятда, яъни кўпроқ давлат манфаатини кўзлаб, давлат манфаатини кўриқлаб иш тутмоқдамиз. Инсон манфаатлари ҳуқуқий тажрибамизда энг юксак ва энг устун қадрият бўлишини барчамизнинг онгимизга сингдириш жуда-жуда оғир кечмоқда.**

Ахир, давлат деган тушунча нима учун керак? Авваламбор, инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари, унинг тинч-тотув ҳаёти ва келажагини ташкил этиш ва ҳимоялаш каби улуғвор мақсадларга хизмат қилиш учун эмасми?

Агарким, ижтимоий ва сиёсий, керак бўлса, иқтисодий ҳаётимиз олдимизга кўндаланг қўяётган мана шу масалани замон талабларига, демократик тамойилларга қараб тўғри ҳал қилмасак, кундалик фаолиятимизга тадбиқ этмасак — барча баландпарвоз гапларнинг ва шиорларнинг маъноси ўзи йўқолади.

Бундай ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз даркор. Бошқа иложимиз ва йўлимиз йўқ, азиз дўстлар!

Таассуфлар бўлсинким, баъзан қонун чиқарувчиларнинг ўзи, уни ҳимоя қилувчиларнинг ўзи қонунларни назар-писанд қилмасдан, уларни оёқости қилса, бу албатта халқнинг, оддий фуқароларнинг ҳақли эътирозлари ва қаҳр-ғазабларига сабаб бўлади. Яқинда бўлиб ўтган Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида муҳокама қилинган масалаларни яна бир бор эсласак, кўп нарса аён бўлади.

Ҳаётимизда қонун талаблари бузилиши ҳолатини вужудга келтирувчи бош сабаб — шуни яна бир бор айтишга тўғри келади — ижтимоий ташкилотлар, нодавлат ташкилотлар — маҳалла, аёллар, ёшлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ҳаётимиздаги таъсири ва ўрни етарли даражада шаклланмагани билан изоҳлаш мумкин.

Кўп йиллик ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, қонун устидан қонунчи, маъмурий идоралар устидан назоратчи, назоратчи устидан яна назоратчи ўтқазиб қўйиш ҳеч қачон самарали натижа бермайди.

Қўпол бўлса-да айтмоқчиман: бундай тажриба фақатгина зўравонлар, порахўрлар ва таъмагирлар сонини кўпайтиради, холос. Бу — ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати.

Мен кўп бор айтганман, ҳозир яна бир карра такрорламоқчиман: **давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатмасдан туриб, мавжуд салбий иллатларни йўқ қилиб бўлмайди.**

Бундай назоратни ташкил қилишда, жамоатчилик ва ижтимоий ташкилотлар билан бирга, авваламбор фуқаролар ва жамоатчиликнинг эркин фикрини ифода этувчи оммавий ахборот воситалари олиб бориши, ҳақиқат ва адолат учун курашга қаттиқ бел боғлаши лозим.

Яна бир муҳим ва ҳал қилувчи муаммо ҳақида кўп гапирамиз, лекин бу масалада амалий силжишлар жуда сусткашлик билан бормоқда.

Одамларимизда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги жамиятда адолат мезонларининг бузилишига олиб келмоқда. Очиғини айтганда, ҳар биримиз ҳам Конституция ва қонунларимиз берган ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билмаймиз ва уни ҳимоя қила олмаймиз.

Мана шундай ҳолатда, аввало, тараққий топган давлатлар тажрибасига назар ташласак — уларда одамлар адвокат ва адвокатура идорасига кўпроқ мурожаат қилади.

Яқинда, Олий Мажлиснинг бўлғуси сессиясида, Президент девони ташаббуси билан киритилган адвокатларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш ҳақидаги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилади. Ўйлайманки, бу ҳам одамларнинг ҳуқуқий савиясини оширишда муҳим қадам бўлиши даркор. Токи, **одамлар фақатгина судга иши тушганда эмас, балки кундалик ҳаётида ҳам адвокатлар хизматидан, уларнинг маслаҳат ва тавсияларидан фойдалана оладиган бўлсинлар.**

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз биз учун назарий-ҳуқуқий ҳужжат — бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас. Балки у ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаидир.

Бу олижаноб мақсадларга эришиш учун барчамиз, аввало, Конституциямиз ва қонунларимизнинг туб моҳиятини англаб етишимиз ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш йўлида **биргаликда қатъият билан курашмоғимиз лозим.**

Яна ва яна такроран айтмоқчиман: адолат ва қонун устуворлиги учун, унинг талабларини ҳаётимизга жорий этиш учун биргалашиб курашмоғимиз, фидойи бўлмоғимиз керак. Қонун, **яна бир бор қонун — каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар, — барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!**

Муҳтарам дўстлар!

Инсон ва жамият, шахс ва оиланинг ўзаро муносабатлари, уларни табиий равишда уйғунлаштириш Асосий Қомусимиз пойдеворини ташкил этади.

Шу боис ҳам бу масалалар давлатимиз сиёсатининг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Мамлакатимизда 1997 йилнинг Инсон манфаатлари йили, ўтиб бораётган 1998 йилнинг эса Оила йили деб эълон этилгани ва шу мақсадда махсус ҳукумат дастурлари қабул қилингани катта маънога эга.

Ҳадемай бизга кўпдан-кўп шодлик ва қувончлар, шу билан бирга турли хил ташвиш ва муаммолар олиб келган 1998 йил поёнига етади. Яъни, Оила йили ҳам якунланади. Хўш, ўтган давр мобайнида ҳукумат дастурини бажариш юзасидан нима ишлар қилинди?

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, бу борада талайгина салмоқли ишлар бажарилди.

Биз оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз зарур.

**(Давоми 2-бетда).**

## КОНСТИТУЦИЯ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни олдидан мамлакатимизнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 6 йиллигига бағишланган ранг-баранг тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, пойтахтдаги Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида бўлиб ўтган йиғилиш ҳам ана шу қутлуғ байрамга бағишланди.

Маълумки, мустақиллик байрами арафасида юртдошларимиздан катта бир гуруҳи мамлакатимиз Президентининг Фармонига кўра Ватанимизнинг орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирланган эди.

Маросимда маданият ва санъат ходимларидан бир гуруҳига давлатимизнинг ана шу мукофотлари тантанали равишда топширилди. Мукофотларни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев топширди.

**(ЎзА)**

## ЖУРНАЛИСТЛАР МЕҲНАТИ ТАҚДИРЛАНДИ

Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини ифодалаб, ислоҳотларни ривожлантиришга, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга, жамият маънавиятини оширишга, республикамизда тинчлик ва барқарорликни сақлашга катта ҳисса қўшмоқда. Шу боис Президент Ислом Каримовнинг шу йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида" чиқарган Фармони билан оммавий ахборот воситаларининг бир қанча ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирланган эди.

Конституция куни арафасида Тошкентдаги миллий матбуот марказида шу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Ўзбекистон Президенти девони ахборот марказининг раҳбари С. Ҳакимов мукофотларни топширди ва тақдирланган журналистларни табриклади.

**(ЎзА)**

# БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ

## ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИНГ ҲАЁТБАХШ МАНБАИ

### Президент Ислом Каримовнинг Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Оила масаласига жамиятимизда бу қадар катта аҳамият берилаётганининг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Биз оилани хўжакўрсинга кўтар-кўтар қилиш, уни қандайдир этнографик ёдгорлик сифатида кўз-кўз қилиш ниятидан мутлақо йироқмиз.

Биз ўз маънавий ҳаётимиз ва келажагимизни қураётганда беқиёс миллий қадриятимиз бўлмиш оилани асосий таянч деб биламиз. Чунки ўзлигимизга қайтиш, миллий урф-одатларимизни эъзозлаш, катталарга ҳурмат ва кичикларга ғамхўрлик, одамийлик, ҳалоллик, олижаноблик, меҳр-оқибат сингари асл инсоний фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Ишонаманки, бундан буён ҳам ота-боболаримиздан қолган, миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган, бугунги кун талабларига ҳам жавоб берадиган эзгу анъаналарга содиқ бўлсак, Оллоҳ таолонинг ўзи бизга инъом этган миллий ўзлигимизни қайтадан тикласак, бу билан доимо ғурурланиб, айни вақтда шу эътиқодимизга масъул бўлиб яшасак, иншооллоҳ, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Қани энди, шу оддий ҳақиқатни инсоф ва диёнатни унутган, халқимизнинг асл табиатига зид бўлган турли нопок ишларга қўл ураётган кимсалар ҳам тушунса!..

Бунинг учун эса ҳар бир инсон қалбида нафс балосидан, шайтон васвасасидан йироқ бўлиш, иймон ва инсоф, виждон ва адолатпарварлик туйғуларини уйғотиш зарур. Агар одамлар онгида шу инсоний туйғулар қарор топмас экан, ана шундай олижаноб фазилатлар жамиятимизда ҳукмрон бўлмас экан, давлат томонидан ўтказиладиган ҳар қандай чора-тадбирлар ҳам, суд-прокуратура идораларининг фаолияти ҳам кутилган самарани бермайди.

Фуқароларимиз тафаккурида ана шу олий туйғуларни тарбиялаш, **яъни бошқача айтганда, инсонга инсонлигини** англатиш — бизнинг мафкура ва маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий мазмунига айланиши керак.

Мана шуларнинг барчасини эътиборга олиб, жамиятимизда оилани мустаҳкамлаш, ҳаётимизда оиланинг ўрни, маъномоҳияти, таъсирини кучайтириш учун давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ёрдамни келгусида ҳам аямаймиз.

Муҳтарам дўстлар!

Биз Янги йил арафасида турибмиз. Бошлаган ижобий ишларимизни Янги йилда ҳам изчил давом эттиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз зарур. Бизнинг белгилаб олган буюк мақсадларимиз ва улуғвор режаларимиз, олға қараб қўяётган қадамларимиз бир-бири билан узвий боғлиқ. Бугун тараққиёт ва фаровонлик йўлида амалга ошираётган ишларимиз эртанги ёруғ кунимизнинг пойдеворидир.

Биз Янги йилдаги вазифаларимизни белгилар эканмиз, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий ривожланиш режаларини тузар эканмиз, эришган ўсиш суръатларимиз келгуси йилда бу йилгига нисбатан янада юксак ва самарали бўлишига, халқимизнинг эртанги турмушини янада ёруғ қилишга интиламиз.

Бу режалар йил охирида бўладиган Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида муҳокама қилиниб, барчамиз учун фаол ҳаракат дастурига айланади.

Очиқ айтишим керак: янги йилда белгиланган мақсадларга эришиш, турмуш даражасини янада кўтариш учун барча имкониятларга эгамиз. Лекин, шу билан бирга, бизни кутаётган баъзи бир хавф ва муаммолар ҳақида ҳам огоҳ бўлишимиз даркор.

Янги йилда бизга энг катта хавф ва зиён етказиши мумкин бўлган муаммо — атроф-қўшни давлатларга етиб келаётган Россиядаги молиявий бухрон таъсири ва улар ўзлари сабабчи бўлган иқтисодий инқироздир. Қўшни давлатларда нархнаво ўсиб бораётгани ҳақида кўпчилик хабардор деб ўйлайман. Бундай хавфнинг олдини олиш, юртимизни бундай офатлардан сақлаш — бугунги ва эртанги кунимизнинг энг муҳим ва энг долзарб вазифаси десак ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу масалаларни ечиш учун керакли чораларни бугун кўришимиз, барчамиз сезгир бўлишимиз даркор. Олға силжишимизга халақит бераётган салбий иллатлар, эски замон асоратларидан жудо бўлиш, бир сўз билан айтганда, ҳаётимизни оқилона ташкил этиш учун Янги йилда ҳам ҳар биримиздан зўр куч-ғайрат, азму шижоат билан меҳнат қилиш талаб этилади.

Шу билан бирга биз **келгуси йилда маънавий ҳаётимизни янгиловчи, халқимизни бирлаштирувчи, керак бўлса, уни илҳомлантириб-руҳлантирувчи асосий мақсад, асосий ғоямизни ҳам аниқ белгилаб олишимиз зарур.**

Қадрли дўстлар!

**Мен 1999 йилни мамлакатимизда Аёллар йили** деб эълон қилишни таклиф этаман.

Ўйлайманки, мана шу залда ўтирганлар ҳам, бутун халқимиз ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайди.

Келгуси йилни Аёллар йили деб эълон қилишимизнинг сабаби нимада?

Аввало бу Инсон манфаатлари ва Оила йили деб эълон қилиниб, кўп-кўп савобли ишлар амалга оширилган жараённинг мантиқий давоми бўлади. **Чунки Инсон, Оила, Аёл тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.**

Аёлларнинг жамиятимиздаги, ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида жуда кўп ва узоқ гапириш мумкин. Мен инсонни инсон қиладиган ҳам, майиб-мажруҳ, бахтиқаро қиладиган ҳам оиладир, деган фикрни айтиб ўтган эдим. Шу мулоҳазани давом эттириб айтиш мумкинки, **Худонинг марҳамати билан оилани оила қиладиган зот — бу Аёлдир.**

Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир.

Чиндан ҳам, аёлларимизнинг оилада тутган ўрни беқиёс. Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар.

Улуғ донишмандлар Ватанга энг муносиб таъриф излаганда, уни Она сиймосига қиёс этганларида катта маъно бор. Дунёда "муқаддас" деган сўзга энг муносиб зот ҳам — Онадир.

Онани эъзозлаш — бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Чунки аёлларни қанча улуғласак, **ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули** деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

Қаҳрамон шоиримиз Абдуллажон Орипов айтганидек:

*Бу ёруғ оламда*
*Ватан биттадир,*
*Биттадир дунёда*
*Она деган ном.*

Муҳтарам дўстлар!

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Айниқса, аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз биз учун ибратли меросдир. Бежиз эмаски, Шарқда Аёлни фариштага қиёс қилишади. Чунки фаришталар Оллоҳ таоло яратган энг пок, энг бегуноҳ зотлардир.

Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин ва бошқа юзлаб аёлларимизни ҳамиша эҳтиром билан тилга оламиз.

Улуғ момоларимизга хос бўлган олижаноб фазилатлар бугун ҳам муҳтарам аёлларимиз сиймосида давом этиб келмоқда.

Аёлларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромимизнинг яна бир сабаби шундаки, аёл — аввало ҳар бир инсоннинг бешигини тебратадиган, оқ сути билан унинг юрагига одамийлик фазилатларини сингдирадиган, уни ҳаёт бўронларидан асраб-авайлайдиган фидойи инсондир.

Биз бугун ёш авлод тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам кўра катта аҳамият бермоқдамиз. Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз — бу, ўсиб келаётган ёш авлодимиздир.

Аввал айтганимдек, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман.

Шундай экан, **ўсиб келаётган янги авлодни ким она алласи билан эзгуликка ўргатади, ким уни парвариш қилади, ким уни Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялайди, ким етук инсон қилиб вояга етказади?**

Албатта, халқ тақдири, миллат истиқболи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу улуғ ва масъулиятли иш фақат оналарнинг қўлидан келади.

**1999 йилни яхши ният билан Аёллар йили деб эълон қилар эканмиз,** аввало оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш — давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим. Албатта, шу масала бўйича кенг кўламда дастур қабул қилишимиз керак.

Азиз юртдошларим!

Ишончим комилки, **Янги йилимизни мунис ва дилбар аёлларимиз тимсолида Нафосат йили, Гўзаллик йили, Меҳр-муҳаббат йили деб аталиши маънавиятимизга янгича мазмун ва тус беради, маънавий ҳаётимизда янги муҳим босқич бўлиб қолади.**

Барчангизга, сиз орқали бутун меҳнаткаш ва заҳматкаш, бағрикенг халқимизга тинчлик-омонлик, бахт-саодат тилайман.

***...Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди.***

**Ислом КАРИМОВ.**




***Мустақилликка эришган ҳар қандай давлат дастлаб ўз тараққиёт йўлини белгилаб олади, маълум бир мақсад сари интилади. Бизнинг бош мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш деб белгиланди.***

## ТАРАҚҚИЁТ САРЧАШМАСИ

Ана шу мақсад йўлида Президентимиз ва ҳукуматимизнинг одил сиёсати туфайли ҳайратомуз муваффақиятларга эришилди. Бугун бу сиёсат нафақат юртимизда, балки узоқ хорижда ҳам иқтисодий тараққиётнинг «Ўзбек модели» деган фахрли баҳосини олди. Янги дунё, янги давлат ва янги жамият қуришнинг ушбу модели айни пайтда жаҳон сиёсатчиларининг чинакам ҳайратига сабаб бўлди. Сўнгги вақтларда «Экономист», «Труд», «Эксперт» (Россия), «Wallst reet jornall» (Нью-Йорк), «Таймс» (Буюк Британия) каби ўнлаб чет эл оммавий ахборот воситаларида «Янги Ўзбекистонни беш принцип бошқармоқда», «Ўзбекистон — Марказий Осиёда ягона карвонбоши», «Ўзбекистон Марказий Осиё «йўлбарси»га айланмоқда» деган иборалар тез-тез такрорланмоқда.

Аслида, етти йил тарих учун кичик давр. Аммо мамлакатимиз учун бутун бир даврга тенг бўлди. Одатда иқтисодий тангликдан кўпчилик давлатлар қарзга ботиб чиқади. Ўзбекистон эса мисли кўрилмаган ютуқларга эришган ҳолда чиқаяпти. Нега? Чунки Конституциямиз иқтисодий тизимнинг ҳам асосий тамойилларини белгилаб берди. Бу борада мамлакатимиз Конституциясида собиқ иттифоқ даврида ҳаракатда бўлган конституцияларга нисбатан бутунлай бошқача ёндошилган. Биласиз, ўша давр конституцияларида хўжалик юритиш ҳамда мулкчиликнинг илғор усуллари чеклаб қўйилган эди. Тадбиркорликка эса умуман йўл очилмади. Унда мулкнинг эгаси давлат деб ҳисоблаб келинди. Инсон манфаати, унинг шаъни, эрки, ҳаёти, қадр-қиммати деярли эътиборга олинмади.

Ҳаётимиз Қомусининг 53-моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини қафолатлайди» деб ёзилган. Бундан кўзда тутилган мақсад аён: корхона ва ташкилотлар ҳамда хусусий тадбиркорларнинг мустақиллигини таъминлашдир. Табиийки, бу орқали эркин бозор муносабатларига кенг йўл очилади. Эътибор қилинг. 1990 йилда республикамизда 30 та қўшма корхона қайд этилган бўлса, бугун уларнинг сони 3 ярим мингдан ошиб кетди. Биргина Туркия ишбилармонларининг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармоя лойиҳаларининг умумий кўрсаткичи 1,5 миллиард АҚШ долларига етди.

Мамлакатимиз Конституциясида фуқароларнинг ҳам мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Қомусимизнинг 36-моддасига кўра ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилади ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Кўриб турганингиздек, ушбу ҳақ-ҳуқуқлар илгари амалда бўлган биронта конституцияда кўрсатилмаган эди. Аксинча, фуқароларнинг мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари чекланган эди. Табиийки, бу одамларда ишлаб чиқаришга бўлган қизиқишни буткул сўндирди. Бугун юртимизнинг олис қишлоқларидаги оддий деҳқон онгида ҳам «менинг мулким» деган тушунча шаклланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямизда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатловчи энг муҳим қоидалар ўз аксини топган. У том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.

**Сотиболди БОБОҚУЛОВ,**
**юридик фанлар номзоди.**

## ИНСОН ВА АТРОФ-МУҲИТ

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида шундай дейилган: «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар». Маълум бўладики, атроф-муҳитни тоза ва озода тутиш ҳар бир фуқаронинг қонуний бурчи саналади. Бир сўз билан айтганда, маънан етук, руҳан тетик, жисмонан бақувват, фикран шодон инсон соғлом муҳитда камол топади.***

Таҳририятга келган бир хатга: «Она қишлоғим — иймон булоғим» деб сарлавҳа қўйилибди. Ундан қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: «Нимаики ўзимда яхши, инсоний фазилатлар бўлса, шу қишлоқдан, эл-юртдан — «Ҳаёт мактаби»-дан олганман.

Шу қишлоқда икки маҳалла бор, улар ёнма-ён жойлашган. Маҳаллаларнинг об-ҳавоси, шароити, иқлими, табиати, манзараси, суви, мактаби ва ҳатто мозори бир. Маҳалладошлар бир-бирига қуда-анда, қариндош-уруғ, тобуткаш. Ҳар икки маҳаллада ҳам маърифатли, мурувватли, саодатли, тадбиркор, зиёли ва фидойи инсонлар истаганча бор. Афсуски, оқсоқолларимиз икки хил. Бири иймонга таяниб, раҳмоний ҳис-туйғу билан одилона йўл тутади, оқсоқолликни мансаб эмас, масъулият деб билади. Иккинчиси эса нафсга берилиб, шайтоний ҳирс билан жоҳилона иш кўради: оқсоқолликни мартаба деб билади. Бири камтар, камсуқум, иккинчиси эса — манман, калондимоғ. Бири маҳаллапарвар, бунёдкор, иккинчиси эса маҳаллапараст, бадкирдор. Шунинг учун бир маҳаллада файзли гузар бунёд этилмоқда, Иккинчисида эса — қадимги «Обод гузар» барбод бўлиб, ўн йилдирки, ҳамон ҳаробат ботқоғида»

Шуҳратпарастлик — офат. Аввало, у жамиятга маънавиятга путур етказади, сўнг табиатга табиий муҳитга, экологияга зарар келтиради.

Мана, қўлимизда яна бир нечта мактуб бор. Бирида «Катта, Қаъни обод бўладими?» деб сўралган бўлса, иккинчисида истиқлол шарофати туфайли қишлоқда илк бор (1994 йилдаёқ) ташкил этилган ва 3.300 китоб фондига эга бўлган, кейинчалик (1997 йилда) «Олтин мерос» маънавият мактабига айлантирилган «Маърифат уйи» ҳақида фидойилик ва куйинчаклик билан ёзилган .

«Ҳар бир фармон — халқ дардига дармон» деб номланган яна бир мактубда энг долзарб муаммо — санитария қонунларини бузганликка қарши масъулиятни ошириш масаласи кўтарилган. Унда хат муаллифи кейинги 2-3 йил ичида ўз даҳасида касаллик тарқатувчи аҳлатгоҳлар кўпайиб бораётганлиги, Юртбошимизнинг 1998 йил 2 мартдаги Фармонига зид ҳаракатлар содир этилганлиги танқидий таҳлил қилинган.

Юқоридаги мактублар халқнинг фуқаролик тафаккури ривожланаётганидан, юртдошларимизда атроф муҳитдаги бузилишларга лоқайд қараш йўқолаётганлигидан далолат беради.

Истиқлол Қонунида инсон ва унинг ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинса, табиат ва унинг буюк неъматлари — бойликлари ҳам худди шундай муҳофазаланади. Чунки атроф-муҳит баркамол Инсоннинг туғилиши, ўсиши учун барча моддий-маънавий омилларнинг улуғи ҳисобланади.

**Карим НАЗАРОВ,**
**профессор.**

*КОНСТИТУЦИЯ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА*

## ҚАЛБИМИЗНИНГ МУЛКИ

**Қувондиқ БОЛТАЕВ, аспирант, (Хоразм):**



— Конституциямизнинг ҳар бир бандида муҳрланган ёруғ сатрлар, очиғи, қалбларни бутунлай тўлқинлантириб юборади. У бизга истиқлол ҳадя этган чексиз имкониятларга ишончни мустаҳкамлади. Асосий Қонунимиз берган ҳуқуқ — қалбимизнинг мулки, кўзимизнинг оқу қорасидир. Ҳуқуқи ҳимояланган киши Ватаним, миллатим дейди. Шу юрт учун мендан эзгу ишлар қолсин дейди. Модомики шундай экан, бугун Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқароси фидойи бўлиши керак. Аслида, одамдан мангу қоладиган нарса ҳам Ватан шон-шуҳрати, қудрати ва салоҳиятини юксалтириш йўлидаги меҳнатидир.

## ЭНДИ ЯШАЙДИГАН КУНЛАР КЕЛДИ

**Ғайрат ҚУРБОНОВ, ТошДТУ I-курс талабаси:**



— Агар XX асрда сиз нимага эришдингиз? — деб сўрасалар, биз — ўзбеклар шу асрда озодлик ва миллий истиқлолга эришдик, ўз Конституциямизга эга бўлдик, деб жавоб беришга ҳақлимиз. Ўз мустақиллиги ва Конституциясига эга халқ бошқа ҳамма улуғ мақсадларга эришмоғи муқаррар. Фақат ишласа, илмли, маърифатли бўлса бас.

Бугун биз ўз Конституциямизда ёзилганидек, илм олиш, эркин ва озод яшаш ҳуқуқига эга эканмиз, демак, шу Ватан олдидаги бурчимизни ҳам унутмаслигимиз керак. Она юртимизга нимадир беришимиз лозим. Зеро, биз узоқ вақт Ватандан фахрланиш туйғусидан бебаҳра яшадик. Энди яшайдиган, миллат ва Ватан учун меҳнат қиладиган ойдин кунлар келди.

Ишончим комилки, биз буюк келажакка эришамиз. Тенгдошларимнинг билим ва маънавиятга интилиши, уларнинг дунёнинг мана-ман деган давлатларида таҳсил олаётганликлари, амалга ошираётган барча эзгу ишларимиз мана шундай кунларнинг ҳаётимизга тезроқ келишига асос бўлади.

## БОБОЛАРИМИЗ, МОМОЛАРИМИЗ ОРЗУСИ

**Гулшода ШУКУРОВА, уй бекаси, (Самарқанд):**



—Аждодларимиз мана шундай ёруғ кунларда яшашни, инсон қадри, шаъни ва эрки улуғланган адолатли давлат қуришни ҳавас қилган. Не бахтки, энди у бизнинг қўлимизда. Конституциямиз шундай эркин ҳаёт, одил давлат ва жамият асосларини ўзида мужассамлаштирди. Барчамизнинг буюк келажак сари борар йўлларимизни яққол кўрсатиб берди.

## ФИДОЙИЛИКНИ НАМОЙИШ ҚИЛИШИМИЗ КЕРАК

**Ғулмирза ЖУМАНИЁЗОВ, прапоршик:**



— Давлатимизнинг бош Қомуси — Конституциямизнинг 52-моддасида Ўзбекистон Республикасини, ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир, дейилган. Дарҳақиқат, шу азиз Ватан, Ўзбекистон ўзимизники, унинг осойишталиги, сарҳаллари дахлсизлиги ҳам ўз қўлимизда. Бир тасаввур қилинг, мустақиликка эришмасдан олдин СССР дея аталмиш сохта Ватан учун қору-қировларда, жазирамаларда азоб чекмасмидик. Шукрки, мустақиллик бизга эркинлик билан бирга Ватанни ўзимиз қўриқлашдек шарафли масъулиятни инъом қилди. Энди ҳар биримиз шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда фидойиликни намойиш этишимиз керак.

## ТАКДИРНИНГ ТЕНГСИЗ ТОРТИҒИ

**Татьяна АКОПЯН, «Семенс» фирмаси ходими:**



— Биласиз, дунёда ватанлар кўп. Мен арман қизиман. Лекин Ўзбекистон онамдек азиз бўлган ўз Ватанимдир. Негаки, мен шу юртда вояга етдим, илму-ҳунар эгаси бўлдим. Ўзга юртларда кўрмаган меҳр-муҳаббатни шу ерда топдим. Ҳалол меҳнат қилиб, фаровон ҳаёт кечириш мен учун табиий ҳолга айланди. Бугун биз қандай ишласак, шундай яшаяпмиз. Бу жуда яхшику. Ўзингиз ўйланг. Етти йил аввал биз қандай одам эдик? Тўғриси, ҳақ-ҳуқуқларимиз чекланган эди. Ким ва нима учун ишлаётганлигимизни англамас эдик. Энди шуларни ўйлаганда, биласизми, Конституция — бу тақдирнинг тенгсиз тортиғи бўлди. Унда Ўзбекистонда истиқомат қилувчи ҳар бир одамнинг миллати, ирқи, диний қарашларидан қатъий назар, тинч-тотув ҳаёт кечиришга ҳақли эканлиги ёзиб қўйилган. Бу қиёси йўқ саодат.

**«Халқ сўзи» мухбирлари Фурқат САНАЕВ, Озод РАЖАБОВлар тайёрлашди.**

Муҳтарам юртдошлар!

"КАМАЛАК-ТВ"

Kamalak-TV

ЎЗБЕК-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

ҲАММАНГИЗНИ УЛУҒ БАЙРАМ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ БИЛАН САМИМИЙ ВА ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙДИ!

Шунингдек, бизнинг энг муборак қутловимизни қабул қилинг! Ҳар бирингизга, оилангизга, қариндош ва яқинларингизга тинчлик ва осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт ва қувонч ёр бўлсин.

Мамлакатимизнинг фаровонлиги ва гуллаб-яшнаши учун қилаётган бунёдкорлик ишларингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз!

TURON 067 LINK
СЛУЖБА ПЕРСОНАЛЬНОГО РАДИОВЫЗОВА

"КАМАЛАК-ТВ" қўшма корхонаси.

Ш@1202



ECOLOT

Муҳтарам ўзбекистонликлар!

"ЭКОЛОТ" қўшма корхонаси Сизни умумхалқ байрами — демократия, тараққиёт ва жамиятнинг юксак маънавияти гуллаб-яшнашининг тимсоли бўлган Конституция куни билан табриклайди.

Ҳар бир оилага соғлиқ, бахт ва улкан фаровонлик тилаймиз!

®/1211



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ М.АШРАФИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

- Махсус фортепиано кафедраси: кафедра мудири; доцент-1 ўрин;
- Торли чолғулар кафедраси мудири;
- Бастакорлик ва чолғулаштириш кафедраси: кафедра мудири; доцент-1 ўрин;
- Эстрада мусиқаси кафедраси: кафедра мудири; доцент-1 ўрин;
- Халқ чолғулари кафедраси мудири;
- Мусиқа педагогикаси кафедраси мудири;
- Якка хонандалик кафедраси мудири;
- Дамли чолғулар кафедраси: кафедра мудири; профессор-1 ўрин;
- Мусиқий шарқшунослик кафедраси: доцент-1 ўрин;
- Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири;
- Мусиқа назарияси кафедраси: доцент-1 ўрин.



®/1204

*Танлов муддати: эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.*

Манзилимиз: Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 31. Кадрлар бўлими. Тел.: 133-59-61.



UZMACOM
GSM

"ЎЗМАКОМ" ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ

КОНСТИТУЦИЯ КУНИ

БИЛАН ҚУТЛАЙДИ ВА БАРЧАГА БАХТ, ЭЗГУЛИК ҲАМДА БАРКАМОЛЛИК ТИЛАЙДИ.



1199

СИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА КУТАМИЗ: ТОШКЕНТ, ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ШОҲ КЎЧАСИ, 8-УЙ. ТЕЛ.: (998 71) 100-00-15, 100-00-16, 100-01-62, 100-01-31; (998-72-12) 45-12-55, 45-23-50. FAX: (998 712) 40-63-78.



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65;
*Қишлоқ хўжалиги* — 136-37-85
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60, 132-10-65;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0608, 27517 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — Ғ. ЭШМУРОДОВ.
Мусаҳҳих — Ф. УСМОНОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 23.20
1 2 3 4 5 6


(Газетанинг навбатдаги сони 10 декабрь, пайшанба куни чиқади).